*Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллиги олдидан*

# «ЮНУСОБОД» ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Суратли ахборот









***Ўтган йилнинг август ойи охирида Президент кубоги учун биринчи маротаба Халқаро теннис мусобақаси бўлиб ўтган, ўшанда «Юнусобод» теннис клуби ана шу мусобақада иштирок этувчиларга байрам совғаси тариқасида очилганди. Бу йил ҳам август ойининг учинчи ўн кунлигида худди ана шундай Халқаро мусобақа иккинчи маротаба шаҳримизда бўлиб ўтади. Бу анжуман олдидан клубни кенгайтириш мақсадида жадал ишлар олиб борилаётир. Бу ҳақда «Ўзбексавдо» давлат ассоциациясининг 2-қурилиш-таъмирлаш бошқармаси бошлиғи Владимир Петрикин шундай ҳикоя қилади:***

— Юртимизда спортга алоҳида эътибор берилаётганлиги «Соғлом авлод учун» ҳаракатига амалий жавобдир десам янглишмайман. Чунки теннис ҳам спортнинг ажойиб бир тури саналади. Шунинг учун бўлса керак фақат мени эмас, жамоамиздаги бошқа қурувчиларни клубда ўтадиган мусобақаларда учратишингиз мумкин. Улар бу ерда қурилиш ишларини олиб бориш билан бир қаторда теннис машғулотларига ҳам фаол қатнашишади.

Ҳозир бу ерда 2 та уч қаватли шинамгина бинолар қад кўтаряпти. Улар спортчилар ва бошқа меҳмонлар учун маъмурий бино ҳисобланади. Бинонинг орқа томони эса очиқ канал эди. Биз уни қувурлар ёрдамида бекитишга мушарраф бўлдик. Унинг узунлиги 150 метрдир. Шунингдек теннис майдонидан мана шу маъмурий бинога ўтадиган ер ости йўли қуриб битказилди. Қурилиш ишларида биздан ташқари «Тошкент-уйжойинвестқурилиш» ҳиссадорлик корпорацияси, қурилиш механизация тресги, «Ўзсаноатвентиляция» бошқармаси ва бошқа қурилиш ташкилотлари, жами 8 та жамоа саккиз ойдан буён клубнинг иккинчи бўлагини қуришда иштирок этишмоқда. Олиб борилаётган ҳар бир иш кунида ҳисоб-китоб қилинади. Чунки вақт оз қолмоқда. Иккинчи маротаба ўтказиладиган мусобақага барча ишлар тўлиқ тугалланиши лозим. Шунинг учун ҳам бу ерда меҳнат қилаётган 400 нафар қурувчи икки сменада меҳнат қилишаётир. Андрей Голобьев раҳбарлигидаги электр тикловчилар, Игорь Сидов бошчилигидаги сантехниклар, Йўлдош Мираҳмедов етакчилигидаги иссиқлик трассасини созловчилар, Радик Қурбонов ва Валерий Лебедевлар бошқараётган пардозловчилар бригадалари самарали меҳнат қилиб, ўз вазифаларини аъло даражада адо этишмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак клубнинг иккинчи бўлагида ҳам спортчиларимиз учун барча қулайлик ва шароитлар муҳайё бўлади.

Гулзода АБДУЛЛА қизи.

*Суратларда: «Юнусобод» теннис клубининг иккинчи бўлагидаги олиб борилаётган қурилиш ишларидан лавҳалар.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

*Тадбиркорга омад ёр*

# ТОШКЕНТДА ИТАЛИЯ ИЧИМЛИКЛАРИ

Ўлкамизда ёз фаслида ҳарорат кўтарилган сари кишиларнинг сувга ташналиги ортади. Шундай пайтда тоза булоқ суви жоннинг роҳати. — Бизнинг Польшадан келтираётган ажойиб «Сан Пало» ичимликларимиз таъми булоқ сувидан кам эмас, — дейди «Беш ёғоч» фирмаси директорининг ўринбосари Фарруҳ Расулов. — Унинг сақланиш муддатлари ҳам яхши: икки йил оралиғида истеъмол қилсангиз бўлаверади.

— Эшитишимизча, «Сан Пало» ичимликлари бир неча турда экан...

— Ҳа, бундан икки-уч ой илгари Польшадаги тадбиркорлар билан Гданск шаҳрида расмий равишда учрашдик. Фойдали битимлар туздик. Сабаби, ўтган йили четдан маҳсулот олиб келиш ва четга чиқариш билан шуғулланадиган таниқли «Евротакспол» савдо компаниясидан келтирилган «Сан Пало» ичимликларини ҳамшаҳарларимиз севиб истеъмол қилишди. Талабгорлар ҳам бўлди.

Биз, фирма президенти Баҳодир Каримов билан Польшага борганимизда 1,5 литрли полиэтилен идишларга қуйилган «Сан Пало» ичимликларининг ҳар томонлама қулайлигига амин бўлдик. Дарвоқе, айтиб қўяй, бу ширин ичимликлар Италияда тайёрланган. «Сан Пало» эса шаҳар номидир. Биз мана шу ичимликларнинг 10 турини келтирдик. Яъни апельсин, лимон, ананас, малина, қулупнай каби мевалар шарбати. Булар ичида «Кока-кола» ҳам бор. Агар унинг нархини ўзимизда тайёрланаётган 300 граммли, 500 граммли ичимликларга таққосласангиз унинг баҳоси унчалик қиммат эмаслигига гувоҳ бўласиз.

— Бундай ичимликлар ҳамшаҳарларимизга доим келтирилиб туриладими?

— Ҳозирча, ҳар ойда 2-3 вагондан келтирмоқчимиз. Талабга қараб, сонини ҳам кўпайтирамиз. Аммо ҳозирданоқ кўпгина дўконларда, аҳолида биз келтираётган «Сан Пало» ичимликлари бор. Роҳатланиб истеъмол қилишаяпти. Талаб бор эканки, «Сан Пало» дастурхонингизнинг тўридан жой оляпти. Бунинг устига тўй-тантана маросимларида ҳам бу ичимликлар жуда керак.

— Фирма озиқ-овқат маҳсулотлари келтириш билан ҳам шуғулланади. Ривожланган мамлакатлардан яна қандай озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилаяпти?

— Буюк Британиянинг нуфузли «Ай-Ди-Ви» Сентрал Эйша, Лимитед, Грециянинг «Элл-Росс», Эрон Ислом Республикасининг «Ҳошимий Гул Пойганий» фирмаларидан мунтазам равишда ичимликлар, қандолат маҳсулотлари, кундалик эҳтиёжларга зарур бўлган моллар оламиз. Яқинда Эронда 3 миллион қути гугурт келтирдик. Москвадаги «Марс» фирмасида Австралия, Польша, Голландия мамлакатларида тайёрланган ажойиб овқат тури — «Анкел Бенс» маҳсулотларини келтираяпмиз. Умуман ҳамшаҳарларнинг дастурхонларини тўла-тўкис тўлдиришга имкон қадар ҳиссамизни қўшаётганимиздан хурсандмиз. «Сан Пало» ичимликларининг бозори чаққон. Негаки у ҳар тарафлама қулай: ҳам экологик тоза, ҳам хушбўй ва ширин. Насиб қилса, фирмамиз томонидан қурилиши бошланган «Магдональдс» услубидаги қаҳвахонамиз (бир зумда овқатланадиган) фойдаланишга топширилса, Америка Қўшма Штатларининг севимли таомлари билан бир вақтда Италиянинг «Сан Пало» ширин ичимликларини ҳам истеъмол қилишингизга ҳамма қулайликлар яратилади.

— Айтингчи, «Сан Пало» ичимликларини қайси дўконлардан арзон баҳоларда сотиб олиш мумкин?

— Албатта ўз дўконларимиздан, — дейди Фарруҳ Расулов. Ўзбекистон Миллий боғи рўпарасидаги дўконимиздан, метронинг «Чилонзор» бекати яқинидаги дўкондан, Сергели туманидаги яқинда очилган «Сирғали» марказий универмаги қаторидан жой олган дўконларимизда ҳамшаҳарларимизга арзон баҳоли маҳсулотларимиз сотилади.

Булардан ташқари бу дўконлардан тухум, колбаса ва сосиска маҳсулотларини ҳам арзон нархларда сотиб олишингиз мумкин. Чунки бу маҳсулотлар ўзимизнинг махсус кичик корхонамизда тайёрланади.

Зоир ТУРСУНОВ.

*Муаллим мулоҳазалари*

# ТАЯНЧ ТАЪЛИМДАН СЎНГ...

Етук мутахассисларни тайёрлашнинг долзарб ва истиқболли йўналишларидан бири — мактаб ўқувчилари орасида истеъдодли, зукко болаларни саралаб олиб, уларни махсус мактабларда бойитилган, мазмунли дастурлар асосида ўқитиш, уларга дадил, кенг имтиёзлар беришдир. Маълумки, кишининг ҳаёт тарзи унинг кимлигини белгилайди. Шу сабабли ахлоқан соф, мантиқан тафаккури кучли, ақлий маданияти юқори бўлган болаларни махсус ўқитиш ва уларга кўпроқ умид боғлаш айни муддаодир. Айнан шундай болалар келгусида янада муҳимроқ иқтисодий, илмий ва ижтимоий масалаларни ечишга қодир бўладилар. Лекин мутахассис бўлиш учун аввало шу соҳанинг устаси бўлиш керак, яъни ўша соҳага ҳавас, лаёқат ва маълум даражада ривожланган қобилият зарур. Бу сифатлар азалдан боланинг ўзида бўлмаса, олий ўқув юртларида ҳам бу сифатларни орттира олмайди. Бас шундай экан, доно, тетик, ақли расо болаларни синф ўқувчилари орасидан асосли равишда танлашимиз ва уларнинг лаёқат йўналишлари, қобилиятларига қараб у ёки бу соҳага, касбга йўналтиришимиз керак.

Ҳозир мактабларда таътил айни авжида бўлса-да, лекин мактаб раҳбарлари ва ота-оналар олдида болани таянч мактабларини тугатгандан кейинги тақдири қандай бўлар экан деган ҳақли савол ўйлантириши табиий. Чунки халқ таълими қонунига кўра мактаблар 9 йиллик таянч таълим ва йўналтирилган махсус таълимга аста ўтиб бормоқда. Пойтахтимиздаги аксарият мактаблар тўққиз йиллик таълимга ўтди. Моддий ва илмий услубий асосга эга, олимлар билан ҳамкорликни ўрната олган мактаблар негизида лицей, гимназия, академик синфлар каби таълимнинг турли йўналишлари фаолият кўрсатмоқда. Шу каби синфларда тўғри танланган, ҳақиқий истеъдодли болалар чиндан ҳам давлат тест синовларидан муваффақиятли ўтмоқда.

Фикримизча, иш ниҳоятда тўғри ташкил этилса таянч таълимидан кейин танлаб ўқитиш ўзини оқлайди. Бунинг учун таянч маълумотдан кейин қуйидаги уч йўналиш бўйича таълимни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди: биринчи ижтимоий, иккинчи иқтисодий, учинчи аниқ фанлар бўйича. Ҳар уч таълимда чет тиллари ва компьютерли таълим кучайтирилади. Махсус фанлар бўйича алоҳида мослаштирилган дастурлар тузилади. Бошқа умумтаълим дарсликлар ҳам ана шу йўналишга мослаштирилади. Масалан, ижтимоий йўналишда математика анча соддалаштирилган, аниқ йўналишда эса бирмунча тўлдирилган математикани ўқитиш керак. Шу каби барча йўналишларда ўзига мос дастурларни ишлаб чиқиш жоиз.

Бунда албатта жаҳон таълимидаги адабиётлардан намуна олиш, шунга ўхшаш Ўзбекистон шароитидан келиб чиқиб, маҳаллий жонли маълумотлардан фойдаланиб дарсликлар яратиш мактаб учун ўта муҳим масала бўлиб турибди. «Иқтисодиёт асослари», ижтимоий ва аниқ йўналиш учун математика каби дарсликлар ҳали мактаб учун оммавий яратилмади. Булар албатта муаммонинг бир қисми. Бироқ мактабнинг катта муаммоларини биргина муаллимлар, услубчиларнинг ўзи ҳал эта олмайди. Бунинг учун республикамиздаги катта илмий салоҳиятни ишга солиш, оммабоп, мактаббоп қўлланмалар учун олий ўқув юртлари, илмий текшириш институтлари кучидан фойдаланиш, «Олий ўқув юрти— илмий текшириш институти — мактаб» дастурини амалий бажариш керак бўлар эди.

Энг катта масала қандай болани танлаб олиш керак, деган саволга жавоб топиш. Бунда ҳам ҳали аниқ услубиёт ёки кўрсатма ҳали йўқ. Бироқ тасодифий танлаш биринчидан боланинг ўзига руҳий зарар етказса, иккинчидан ўша синф муаллими ишини қийинлаштирди. Тажрибалар шуни кўрсатадики, иқтидор эгасини бир имтиҳон ёки тестда билиб бўлмайди. Мактаб ўқувчисини 6, 7, 8, 9-синф тўрт йилги ўқиш жараёнини таҳлил этиш, рейтинг тест усулларини, қолаверса ота-она ҳам боласидаги иқтидор куртакларини борлигини фаҳмлаб, уни тарбиялашга ёрдам бериши керак. Бунинг учун ҳар бир мактаб олтинчи синф болалари учун махсус иқтидор «карточка»ларини юритишни ташкил этса яхши бўлар эди.

Ана шу аснода таълим, ота-она билан ишлаш ҳам бирмунча енгиллашади, тўққизинчи синфда танлаш имконияти кенгаяди. Албатта булар ҳам нисбийдир. Боланинг иқтидорини тарбиялаш ва аниқлаш барибир ўқитувчи зиммасига тушади. Шу билан бирга унинг таянч таълимидан кейинги тақдири ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдириши керак эмас. Ўқишни давом эттиришни хоҳламайдиган ёки шунга шароити йўқ болаларни албатта билим юрти, қисқа курсларга ёки бирор иш жойи билан таъминлаш ҳам мактаб, маҳалла ва кенг жамоатчиликнинг ишидир.

Бахтиёр КАРИМОВ,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, олий тоифали муаллим.

*Одамлар ва тақдирлар*

# ЖАСУР ЖАНГЧИ ҲАМОН САФДА

Юзидан табассум аримайдиган, қалби кенг ва чеҳраси илиқ суҳбатдошимни салкам ўттиз беш йилдан бери танийман. Ҳар гал у киши билан кўришар эканман, кайфиятим кўтарилади, икки оғиз ширин сўзини эшитиб йўлимга равона бўламан.

Сергейнинг ёшлиги Тошкентнинг Гоголь, Пушкин, Жуковский каби марказий кўчаларида яшовчи дўстлари билан ўтарди. Салор, Анҳор дарёларида чўмилишлар, шаҳар атрофидаги боғларда сайр қилишарди. Усмон ота Юсуповнинг Владик ва Леонид исмли ўғиллари, Наримон Иброҳимов (кейинчалик «Муштум» журналининг бош рассоми), Игорь Токарев, Гарик Каширин ва бошқалар Серёжа билан бир майизни бўлиб ейишарди. Усмон ота Серёжанинг исми эсидан чиқиб қолганида уни эркалаб «Ҳой, арман боласи, бери кел» деб чақириб ҳам қўяр эканлар.

Уруш бошланганида Сергей ва унинг дўстлари ўн олти — ўн етти ёшли йигитчалар эди. Эл бошига тушган ташвиш уларни ҳам тинч қўймади. Улар ҳам бирин-кетин урушга отландилар.

Сергей ака фронт майдонларини эслар экан, дўстлари ҳақида қайғуриб гапирар, ич-ичидан куюнаётганлиги сезиларди. Дўсти Наримон Иброҳимовнинг Ленинград қамалида қолиб кетиб, бошидан ўтказган қийинчиликлари, очлик, изғирин, совуқ, касаллик ва бошқа азоб-уқубатлар жангчиларимиз қаддини бука олмаганлиги, ғалаба учун кураш кеча-кундуз давом этганлигини, ўзбек ўғлонларининг мардонавор курашларини гапириб берди. Ҳозирги Пушкин кўчасидаги гастроном ўрнида бўлган 44-ўрта мактабда бирга ўқиган дўстларидан Игорь Токаревнинг бутун фронт давомида қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб жанг қилгани, урушнинг энг сўнгги кунида қаҳрамонларча ҳалок бўлганини кўзларида ёш билан эслади. Бошқа ўртоқларининг ҳам хотирасини ёдга олди.

— Менинг фронтдаги ҳаётим ҳам ўзгаларники сингари бўлган, — дейди Сергей Аракелович. — Ўқлар қулоғинг ёнидан визиллаб ўтиб тураверса, атрофингдан гранаталар ёрилиб танклар мажақлаб кетаман деб турса ўлимдан ҳам қўрқмай қолар экансан, киши. Мен оддий автоматчи сифатида уруш майдонларини кездим. Жангчиларимиз билан биргаликда 1942 йилнинг охири ва қирқ учинчи йил бошларида Дон дарёсини кечиб ўтдик, Донбассни озод қилишда иштирок этдим. Сталинград жангларининг суронли кунларида бўлдим. Иккинчи гвардиячи Армия сафларида анчагина душманни ер тишлатдим, унинг техникасига талофат етказишда дўстларим билан бирга ҳаракат қилдим. Душманнинг икки танкини ёқиб юборганим, ундан қочиб чиқаётган ҳайдовчисини ўқ билан йиқитиб танк ичига тушириб ташлаганим ёдимда.

Аммо 1943 йилнинг августида уруш айни қизиб жангчиларимизнинг қўли баланд келиб турган бир пайтда Сергей ака унинг яқинида портлаган граната парчаси билан оғир яраланди, кўп қон йўқотди. Уни Ростов яқинидаги госпиталга жойлаштиришади, кейин даволанишни Қалмиғистоннинг Верблюд деган станциясидаги ҳарбий госпиталда давом эттиради. 1944 йили эса дарди оғирлигидан ногиронликка чиқаришади. Шунга қарамай, у ҳаётга интилади, бирор яроқли ишга ўзини ургиси келади. Шунда унга Горький шаҳридаги Давлат хавфсизлик мактабида ўқиши мумкинлигини айтишади. У рози бўлади ва мактабни 1946 йили тамомлаб чиқади, она шаҳри Тошкентга йўлланма олади. Орадан икки йил ўтгач уни ҳаёт Кавказга олиб кетади. У салкам ўн икки йил давомида Қабарда-Болқорияда хизмат қилади. Хизмат юзасидан маршаллар Г. Жуков, А. Василевский ва бошқа ҳарбий қўмондонларни кутиб-кузатади, кўпгина генераллар ҳамда ҳарбий комиссарлар билан суҳбатларда бўлади, уларнинг урушда кўрган-кечирганларини эшитади, ўзининг бошидан ўтганларини гапириб беради. У 1959 йилнинг ўрталарида хасталиги туфайли нафақага чиқади ва Тошкентга қайтиб келади.

Сергей Аракелович 1960 йил бошларидан бошлаб ўзининг ёшликдаги севган касби сураткашликка қайтади. У Ўзбекистон Фанлар академиясининг президиуми биносида лаборатория ташкил қилади, унга академиянинг президенти академик Ҳ. М. Абдуллаев катта ёрдам қилади. Мана ўттиз беш йилдирки, Сергей ака олимлар билан, улар илмий ишлари ва турли экспедициялари билан ҳамкорликда тинимсиз меҳнат қилиб келмоқда. Сураткашлик сирларини чуқур ўрганган Сергей Давидов академик И. М. Мўминовга унинг бошчилигида нашрга тайёрланган «Зафарнома», Клавихонинг Амир Темур ҳарбий юришларига бағишланган асари учун ва қатор рангли миниатюралар нусхаларини тайёрлаб берди. «Ўзбекистон тарихи»нинг тўрт томлик, Ўзбек Қомусининг 14 жилдлик нашрига суратлар тайёрлаб, уларнинг сифатли бўлиб чиқишига катта ҳисса қўшди. Саксонинчи йилларда нашрдан чиққан «Ўзбекистон геологияси» асари учун суратлар тайёрлаб берди. Унинг архивида кўпдан-кўп машҳур кишилар, давлат арбоблари, олимлар, фазогирлар, чет эллик меҳмонлар учрашувлари акс эттирилган ноёб лавҳаларни кўрамиз.

Суҳбатдошим уста суратчи сифатида собиқ Иттифоқ ва Республикамиз фотожурналистлари ҳамда ҳаваскорлари орасида ўтказилган кўрик-танловлар қатнашчиси. Унинг «26 апрель» (Тошкентдаги ер қимирлашини акс эттирувчи) деб аталмиш сурати Иттифоқ миқёсидаги танловда биринчи ўринни эгаллагани ёдимда. Зилзила оқибатлари акс эттирилган суратлари техника фанлари доктори В. Уломовнинг монографиялари ва илмий мақолаларида ўз аксини топди.

— Сураткашлик сирларини очишга бағишланган ва ёшларимизга дастур бўладиган асарингиз қачон нашрдан чиқади, — деган саволимга у:

— Худо хоҳласа, кейинги йили, — деб жавоб қайтарди.

Мен эса унга шундай дейман:

— Соғ бўлинг, саломат бўлинг Сергей ака!

Қудрат АҲМЕРОВ,
профессор, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.



*СУРАТДА: гвардиячи сержант Сергей Давидов 1943 йил Краснодон шаҳрида.*

